

ҚАҲРАМОН НОМИ МАНГУ БАРҲАЁТ.

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
илмий ходими. Шайхитдинова.Д*

Аннотация:

Ушбу мақолада Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Андреевич Ивановскийнинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган юксак жасорати ҳақида сўз юритилади. Томск шаҳрида туғилиб, ёшлиги Тошкент ва Наманган билан боғланган Ивановский фронтда ўзининг ҳарбий маҳорати, матонати ва Ватанга садоқати билан ажралиб турган. Айниқса, Донбасс ҳамда Запорожье йўналишидаги оғир жангларда у шахсий намуна кўрсатиб, жангчиларни ғалаба сари бошлаган. Червоний хутори учун бўлган ҳал қилувчи жангда оғир яраланганига қарамасдан, душман танкларининг ҳужумини тўхтатиш учун ўз ҳаётини қурбон қилиб, ҳарбий бурчини сўнгги нафасигача адо этган. Мақолада қаҳрамоннинг фидокорлиги, Ватан озодлиги учун олиб борган кураши ва унинг хотираси Наманган ҳамда бошқа ҳудудларда ҳурмат билан ёд этилиши ҳақида атрофлича маълумот берилган. Борис Ивановскийнинг ҳаёти ва жасорати ёш авлод учун ватанпарварлик, мардлик ва инсоний бурчга садоқат намунаси сифатида талқин этилади.

Борис Андреевич Ивановскийнинг таржимаи ҳоли оддий. Ўзига ўхшаган мингларча кишиларникидан деярли фарқ қилмайди.

Борис Андреевич 1912 йилда Томск шаҳрида туғилган. Унинг ёшлигида оиласи Тошкентга келиб қолган. Тошкент қурилиш техникумида ўқиди ва Наманган шаҳридаги қурилишларда меҳнат қилди. Наманган шаҳридаги Чехов кўчасида 14 номерли уй бор. Бу уйда Борис Андреевич яшаган. Тошкент пиёда аскарлар билим юртида командирлар тайёрлайдиган қисқа курсни тугатган лейтенант шу уйдан ёвуз душманни тор – мор этиш учун фронтга жунаб кетган.

Лей тенант Ивановский дастлаб жанубий фронт кўшинлари составида 1941 йилда жангга кирди. У икки йилдан ортиқроқ душман билан мардларча олишди.

1943 йилнинг ёз ойларида жангларда Белгород ва Харьков остоналари ҳамда бошқа йўналишларда қаттиқ зарба еган немис кумондонлиги энди ҳар қандай йўл билан Донбассни қўлида сақлаб қолишга уринарди.

Немислар шу мақсадда бу районда кўшинларнинг катта группировкасини йиғдилар, Шимолий Донецк ва Миус дарёлари бўйлаб кучли муҳофаа ташкил қилдилар.

Жангчи кўшинлари олдида душман режасини барбод этиш, унинг тинкасини куритиш ва Донбассни озод этиб Днепр учун жангларни бошлаб юбориш вазифаси турар эди.

Батальон командири ўринбосари Ивановский жанг қилаётган 100 – гвардиячи ўқчи дивизиянинг 331 – гвардиячи ўқчи полки Запорожье областининг Ворошиловка қишлоғида душмanning мустаҳкам позитсияларини ёриб ўтиб жанглар билан немислар муҳофаасининг ичкараси томон силжиди.

Душман чекинди. Бироқ тез орада ёрдам олгач, душмanning пулемёт ва миномётлари янада тезроқ сайрай бошлади. Дўлдек ёғилаётган ўқ ва миналар гвардиячиларнинг бош кўтаришига имкон бермасди.

Жангнинг ҳал қилувчи пайтида капитан Ивановский бутун бўй – басти билан кўтарилди ва баланд овоз билан “ Украина учун! Днепрга! Ура, ўртоқлар!” деб ҳайқириб душманга биринчи бўлиб ташланди. Гвардиячи жангчилар бир жону бир тан бўлиб унинг кетидан отилдилар. Жанг янада қизиб кетди.

Гвардиячиларнинг қаттиқ зарбасига чидай олмаган фашистлар қоча бошладилар. Бу жангда душман катта талафот кўрди.

Ворошиловка қишлоғини қўлга киритган совет жангчилари душманни таъқиб этишда давом этдилар.

Червоний хутори учун жанг жуда қизиб кетди. Жангчиларнинг зарбасидан саросимага тушиб қолган фашистлар янги муҳофаа тутишга қарор қилдилар. Улар

янги моторлаштирилган ўқчи ва танк бўлинмаларни олиб келдилар, артиллерия ўти зонаси яратдилар.

Бизнинг бўлинмаларимиз мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Душманнинг саросимага тўшиши узоққа бормади. У қайта ҳужумга ўтди. Душманнинг қора танклари галаси гвардиячиларнинг жанговар сафлари яқинлашиб кела бошлади.

Танкларнинг ҳужумини немислар ва миномётлардан ўт очиб ва ҳаводан самолётлар билан бомба ташлаб қувватлаб турар эдилар.

Капитан Ивановский “Тигрлар” яқинлашиб келаётган томонга бир зум қароаб турди, сунгра жангчиларга “Менинг орқамдан!” деб команда бериб, олға томон эмаклаб кетди.

Танклар яқин келиб қолганда Ивановский гранаталар ирғита бошлади. Битта “тигр” ёниб кетди, иккинчиси... Ўз командирларининг жасоратидан илҳомланган солдатлар ҳам шундай қила бошладилар. Тенгсиз жангда кўплар ҳалок бўлди. Жасур офитсер оғир яраланди, бироқ у жангга мардларча раҳбарлик қилишда давом этди.

Немислар дам чекинар, дам янги кучлар билан бизнинг бўлинмаларимизга ташланар эди.

Ўқчи батальон бу жангда душманнинг бир неча маротаба қилган ҳужумини қайтарди. Бироқ гитлерчилар янгидан – янги кучлар билан ҳужум қилардилар.

Ярасидан қон оқиб турганига қарамай, Ивановский тирик қолган бир рота солдатларни тўплаб, хуторнинг ёнгинасида душман танклари йўлига ғов ясади. Шу орада яна немислар ҳужумга ўтди. Хутор томонга бир нечта танк шиддат билан ўрмалаб кела бошлади.

“Ўртоқлар! – деб қичқирди Борис Андреевич жангчиларга қараб, - Ўлсак ўламизки, ўтказмаймиз!”. Бу оддий сўзлар ҳар бир солдатнинг юрагига бориб етди. Жангчилар Ивановскийнинг кўз ўнгида бирин – кетин ҳалок бўла бошладилар. Капитаннинг ўзи ҳам аранг оёқда турарди. У яралангандан кейин, минут сайин бўшашиб борар эди. Бироқ Ивановский охирги кучини тўплаб, тўғри ўзи томон келаётган танкни кутиб олиш учун олдинга отилди.

Қаттиқ портлашдан ҳамма ёқ ларзага келди. Танкнинг занжирлари узилиб кетиб, тўхтаб қолди. Тутун тарқалгач, жангчилар танк остида ўзларининг севимли командирларини жасадини кўришди.

Борис Андреевич ҳалок бўлган эди. У солдатларимизнинг шиддатли зарбасига бардош бера олмаган фашистларнинг Червонийдан қочишларини кўрмади.

109 – ўқчи дивизиянинг командири гвардиячи полковник Дунаев капитан Б.А.Ивановскийнинг мукофот варақасига “Ҳарбий қасам талабларига мувофиқ ўзининг муқаддас бурчини сўнгги нафасигача бажарди.

Немис босқинчиларига қарши курашда мардлик, жасурлик кўрсатгани учун капитан Ивановский Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган номга муносибдир”, - деб ёзиб қўйди. 1943 йил 1 – ноябрдаги фармон билан Борис Андреевич Ивановскийга вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Борис Андреевич Ивановский Невский ордени билан ҳам мукофотланган эди.

Унинг номи билан Запорожье ва қуёшли Ўзбекистоннинг Наманган шаҳри меҳнаткашлари ҳақли равишда фахрланадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячилари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хотирасини абадийлаштиришга оид фармон ва қарорлари.
2. Хотира. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, турли йиллар.
3. Наманган тарихи. – Наманган: Наманган нашриёти.
4. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи архив материаллари. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари. – Москва: Воениздат.